

**Андижон вилояти ҳокимлиги,  
вилоят касаба уюшмалари  
ташкилотлари Бирлашмаси  
Кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат  
палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси  
ўртасида ижтимоий-иқтисодий  
масалаларга оид 2017-2019 йиллар  
учун ҳудудий**

**К Е Л И Ш У В**

Андижон вилояти Мехнат Босхармаси томонидан

2017 йил 15 май куни 01 сон тартиб  
раками билан билдириш рўйхатидан ўтказилди



**Андижон шахри-2017 йил**

**Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари  
бирлашмаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг  
вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича  
2017-2019 йиллар учун  
ХУДУДИЙ КЕЛИШУВ**

Андижон вилояти ҳокимлиги (бундан бўён – «Ҳукумат»), вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши (бундан бўён – «Касаба уюшмалари»), Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошқармаси (бундан бўён – «Иш берувчилар») кейинги ўринларда «Тарафлар» деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конун хужожатларига амал килиб;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясига амал қилган ҳолда;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бешта гамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иктисодиётини шакллантиришига кўмаклашиш заруриятини тасдиклаб;

давлат, иш берувчи ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, аҳоли хаёт даражасини мутассил ошириш жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш мақсадида ижтимоий шериклик тамоилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур Ҳудудий келишувни туздилар (бундан бўён «Келишув») ва ўз зиммаларига куйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

**I. Иктисодиётни, махаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни  
ривожлантириш**

Жаҳон бозорида мамлакат иктисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш, иктисодиёт сектор ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицион фаолликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш мақсадида Тарафлар келгуси даврда куйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

1. Таркибий ўзгаришлар сиёsatини амалга ошириш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш,

ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиши ҳисобига милий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда амалга ошириш.

**2.** Инвестиция мухитини, жумладан, корхоналар, ахоли, хорижий инвесторлар инвестицияларини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда ривожлантиришга маблағ сарфлаётган ҳўжалик субъектларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳисобидан янада яхшилашни таъминлайдиган аниқ мақсадли чора-тадбирларни хаётга татбиқ этиш.

**3.** Йқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат мухитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чукурлаштириш.

**4.** Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонини бажариш бўйича келишилган чора-тадбирларни қабул қилиш.

**5.** Аграр секторда таркибий үзгаришларнинг сифат жихатидан янги босқичига утиш, шунингдек, фермерлик, дехкон ва шахсий ёрдамчи ҳўжаликларни ривожлантириш, етказиб берилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро ҳисоб-китоб механизмларини ишлаб чиқиш ва бу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш орқали мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш.

## **II. Норматив ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий химояси таъминлаш**

Мавжуд ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланиш ва ҳуқуқий майдонни кенгайтириш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**6.** Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва конуний манфаатларига тааллукли меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиша вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси иштирокини таъминлаш.

**7.** Андижон Давлат Университети, ўрта маҳсус, касб-хунар ва малака ошириш бўйича барча таълим муассасалари ўқув дастурларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида таълим курсларини киритиши.

**8.** Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенати томонидан қуидаги масалаларда қабул қилиниши кўзда тутилган конун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этиш:

меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантиришга, ахоли бандлигини таъминлаш имкониятларини, ахоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган "Ахоли бандлигига кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида"ти Конунни қабул қилишга;

судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи "Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида"ги Конунни қабул қилишга;

давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришни, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалаларини, бу борадаги кафолатларни тартибга солувчи "Давлат хизмати тўғрисида"ги Конунни қабул қилишга;

мехнат шартномаларини тузмасдан фаолият кўрсатадиган мавсумий ишчилар, шу жумладан вактинчалик бир марталик ишларда мехнат киладиган шахсларнинг хукукий мақомини белгилашга;

мехнатга ҳақ тўлаш бўйича туман коэффицентлари ва устамаларини, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш бўйича таклифлар киритиш мақсадида табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай туманлар рўйхатини шакллантириш учун тадқикотлар ўтказишга.

**9.** Иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг хукукий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

**10.** Касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, юридик шахсларнинг юкори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг мехнат хукуқларини судгача ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш.

**11.** Касаба уюшмаларининг мехнат конунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида вилоят ташкилотлари, муассасалари ва идоралар билан тизимли хамкорлигини таъминлаш.

**12.** Ишонч телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-мехнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш.

**13.** Вилоят ташкилотлари, муассасалари, корхона ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ва боинка ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг Халқаро мехнат ташкилотининг асоссолувчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилиш.

### **III. Мехнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва ахолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришини, вилоят фуқароларини ижтимоий қўллаб кувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**14.** Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини ошириш. ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушкини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда саклаб туришга доир чоралар кўриш.

**15.** Ижтимоий шерикларга меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва иш ҳаки ўз вактида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслигига доир қўшимча чора-тадбирлар кўришни тавсия этиш.

**16.** Иш ҳаки ўз вактида тўланиши, энг кам иш ҳаки стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат ҳаки Ягона тариф сеткасинининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

**17.** Жамоа шартномаларида иш ҳаки иш берувчиларнинг айби билан ўз вактида тўланмаганилиги учун уларнинг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини назарда тутиш.

**18.** Ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва касаба уюшмалари ўртасида корхона ташкилот ва муассасаларда энг кам иш ҳаки миқдорига амал килиниши бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш чораларини кўриш.

**19.** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлаш.

**20.** Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташабbusи билан бекор килиниши факатгина **Касаба уюшма қўмитасининг** олдиндан розлигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб хисоблайдилар ва қўйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**21.** Бандлик йўналишлари, тармоклар ва худудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса кишлоқ жойларида иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиши.

**22.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича хисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий мақбул даражасидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарлиқдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб килинишини кенгайтириш.

**23.** Олий, ўрга маҳсус таълим муассасалари битирувчилари. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий химояга муҳтож аҳоли катламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**24.** Мехнат бозорини тахлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлаши, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида кўнимлилиги учун иш берувчилар масъулиятини ошириш.

**25.** Ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши ва ишсизлик даражаси камайтирилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш, касаба уюшмалари вакилларини ҳокимликлар хузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этишга кўмаклашиш.

**26.** Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳак тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини биргаликда назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш.

**27.** Туманларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 1 августдаги 27-24 к/к – сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар сони ва иш ҳаки фондининг энг кам меъёрларини белгилаш тўғрисидаги низом» талабларига риоя этилишига кўмаклашиш.

**28.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳукуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**29.** Мехнат миграциясини ҳукукий тартибга солиш, шунингдек, қайтиб келаётган мигрантларни ишга жойлаштириш бўйича амалий чоралар кўриш.

## **V. Мехнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги**

Мехнат муҳофазаси ва ҳавфсизлигини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб хисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

**30.** 2017-2019 йилларда меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилашга доир харакат дастурини қабул қилиш ва бунда корхоналарда «яшил иш ўринлари», яъни муносиб меҳнат шароитларига эга иш ўринлари ташкил этишни кўзда тутиш.

**31.** Мамлакатни «яшил иқтисодиёт» тамойиллари асосида барқарор ривожлантиришга кўмаклашадиган шароитлар яратишга қаратилган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухиг муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури»ни амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

**32.** Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик ҳавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда текширишни амалда кенг қўллаш.

**33.** Кўйидагилар устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш:

иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими билан тўлиқ қамраб олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни молиялаштириш;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва ускуналарнинг шикаст етказиши мумкинлиги бўйича шаҳодатдан ўтказиши;

ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, шунингдек, ишлаб чиқаришда бошқа барча баҳтсиз ходисалар ва касб касалликлари тўғрисида ахборот олиш;

меҳнат муҳофазаси ахволини ўрганиш, иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномалари ва келишувларида кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришини назорат килиш;

ишлаб чиқариш обьектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустакил экспертлар иштирок этиши;

техник тартибга солишга оид меъёрий ҳужжатлар ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси талабларининг бузилиши ва баҳтсиз ходисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиши, малакасини ошириш, жамоа шартномаларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун шароитларни яратиш мажбуриятини киритиши.

**34.** Меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиши ва жорий этиш дастурини ўз вактида ва сифатли амалга ошириши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

**35.** Меҳнат муҳофазаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориши.

**36.** Вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан вилоят кўрик-танлови ўтказилишини давом эттириш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ишлаётган фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб хаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

**37.** Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада

такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**38.** Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида барча нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда ҳар бир меҳнаткаш ва ҳар бир оиласа етиб борган ҳолда уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**39.** Вилоятда фаолият юритаётган барча меҳнат жамоалари, ҳамда янги ташкил этилаётган нодавлат сектори тизимидағи хўжалик субъектлари ходимларининг ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари химоясини янада кучайтириш мақсадида амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ мазкур хўжалик субъектларида бошлангич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш, уларда меҳнат килаётган ходимларни тўлиқ жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш ва низом асосида фаолият кўрсатиши учун иш берувчилар томонидан тегишли шароитлар яратиб бериш.

**40.** Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оиласаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили «Наврӯз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ ҳайрия ҳашарларини ўtkазиш.

Вилоят ахолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий бюджетдан ҳар йили шаҳар ва туманлар миқёсида имкон даражасида етарли маблағлар ажратилишини таъминлаш.

**41.** Вилоятда коммунал хизмати соҳасини яхшилаш, маҳаллалар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ахолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, кўчаларни таъмирлаш, жойларда замонабоп турар жой биноларини куришга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш. Вилоятда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой, майший шароитларини яхшилаш. Вилоят ахолисига савдо, майший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ чоралар кўриш.

**42.** Корхоналарда иш ўринларини кискартирилиши чоғида ёки корхона инқирозга учраган ҳолатларда ходимларнинг манфаатларини амалдаги конун талаблари асосида ҳимоя килинишини таъминлаш.

**43.** Вилоятнинг меҳнатга лаёкатли ахолисини, айниқса хотин-қизларни, ёшларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш. Янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан тадбирларни давом эттириш. Вилоят, шаҳар ва туманлар "Бандлик" дастурларини ишлаб чикишда касаба уюшма ташкилотлари таклифларини инобатга олиш.

**44.** Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган оиласаларга, болали оиласаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

**45.** Вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошкармаси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек «Саҳоват» ва «Мурувват» уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

**46.** Бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

## **VII. Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига куйидаги мажбуриятларни оладилар:

**47.** Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриб боришни тавсия қилиш.

**48.** Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оиласлар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини ўрнатилган тартибга асосан касаба уюшма ва ижтимоий сугурта бюджети маблаглари ҳисобидан санаторийларда соғломлаштиришни ташкил этиш.

**49.** Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

**50.** Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Мехрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини соғломлаштирилишига кўмаклашиб бориш.

**51.** Болаларни соғломлаштириш учун замонавий шароитлар яратиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида сменалар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

**52.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордик чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

## **VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган холда куйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**53.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг куйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

«Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сонли Конвенция;

«Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳак тўлаш тўғрисида»ги 100-сонли Конвенция;

«Оналикин мухофаза қилиш тұғрисида»ғи 103-сонли Конвенция;

«Мажбурий мекнатни тугатиш тұғрисида»ғи 105-сонли Конвенция;

«Мекнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тұғрисида»ғи 111-сонли Конвенция;

«Ишга қабул қилиш учун оғиг кичик ёш тұғрисида»ғи 138-сонли Конвенция;

«Болалар мекнатининг оғир шаклларини тәсіллаш даир шошилинч чоралар тұғрисида»ғи 182-сонли Конвенция.

**54.** Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларға имтиёзлар беріш, улар учун мәннавий ва моддий құллаб-куватлаш чораларини құллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хомиладорлик ва туғии таътиллари күнини үзайтириш;

болали аёлларға моддий ёрдам күрсатиши ва кисқартирилган иш вактими үрнатиши;

касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига мекнат муносабатлари соҳасида құшимча имтиёзлар үрнатиши;

узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлық чакируди захирасида хизматни үтешілгенде ҳақ тұлаш учун ёш ходимларға фоизсиз ссудалар беріш.

**55.** Касб-хунар колледжлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларыда құнимлилигини алохидан назоратта олиш.

## **IX. Ижтимоий мулокот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-мекнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йүл билан ҳал этиш услуги хисобланған ижтимоий мулокот гоясига содиқлигини эълон қилиб, үз зиммаларига қуидеги мажбурияттарни оладилар:

**56.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни мухокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳокимият, вилоят ташкилотлари вакиллари билан давра сұхбатларини ташкил этиб бориши.

**57.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний хуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларыда белгилаб қойылған тартибда тузилишига ва фаолият юритишига түсінілік қилинишига йүл құймаслик.

**58.** Халқаро мекнат ташкилотининг «Бирлашмалар әркінлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини химоя қилиш тұғрисида»ғи 87-сонли Конвенциясыга мувоффик ташкилоттарда ходимлар вакилларининг әркін фаолият күрсатиши учун шароитлар яратишига құмаклашиш.

**59.** Кичик бизнес ташкилотларыда ижтимоий-мекнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибда солиши амалиётини көнгайтишига ёрдам беріш.

**60.** Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуидагиларни тавсия этиш:

тегишли корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузишни;

жамоа шартномаларини бажариш якунларини меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан куриб чиқилишини.

**61.** Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуидагиларни тавсия этиш:

вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раҳбар ходимларини Ҳалқ Депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли масалалар бўйича доимий комиссиялари таркибига киритиш ва йиғилишларида кузатувчи сифатида иштирок этишларини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини (акционерлик жамиятларида).

## **X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**62.** Мазкур келишув 2017-2019 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул килингунга қадар амалда бўлади. Келишув Андижон вилоятининг барча туман, шахар худудларида амал қиласди.

**63.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий хужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**64.** Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари тармок келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

**65.** Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рӯёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

**66.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб хисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг мухим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига таалтукли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини мухокама қилиб бориш.

**67.** Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга хаклидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

68. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган уч томонлама комиссия амалга оширади.

2017 йил «4» июн да Андижон шаҳрида тузилди.



Андижон вилоят Касаба  
уюшмалари ташкилотлари  
бирлашмаси Кенгаши раиси



Узбекистон Республикаси  
Савдо-саноат палатасининг вилоят  
худудий бошқармаси бошлиғи



Аттарсан

**Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари  
ташкилотлари Бирлашмаси Кенгаши, савдо-саноат палатаси вилоят  
худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид  
2017-2019 йиллар учун келишув бажарилиши устидан  
назоратни амалга оширувчи  
УЧ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯ**

**Вилоят ҳокимлиги вакиллари:**

1. Миркомилов Азизбек - Вилоят ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалари бўйича котибият мудири
2. Қушаков Фарходбек - Вилоят ҳокимлигининг диний ва жамоа ташкилотлари билан алокалар бўйича котибият мудири
3. Низомова Мавлудаҳон - Вилоят ҳокимлигининг оила, оналик ва болаларни ижтимоий муҳофаза килиш масалалари бўйича котибият мудири

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси Кенгашининг  
вакиллари:**

1. Ш. Нишанов - Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари
2. Б. Жўраев - Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Республика Кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси
3. З. Абдуллаев - Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари Республика Кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси

**Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят худудий бошқармаси вакиллари:**

1. С. Юсупов - Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари
2. Х. Алимжанов- Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят худудий бошқармаси мониторинг бўлими бошлиғи
3. А.Джалилов - Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят худудий бошқармаси экспорт бўлими етакчи мутахассиси

**Изоҳ:** Агарда, комиссия аъзоларидан бири бошка ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган (сайланган) раҳбар (ёки ходим) тўғридан-тўғри ушбу комиссия аъзоси хисобланади.





